

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН • № 1 (18.478) • Шанба, 1983 йил 1 январь • Баҳоси 3 тийин.

СОВЕТ ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИКНОМАСИ

Азиз ўртоқлар, дўстлар!
1982 йил тугамоқда. Бу йил совет кишилари учун КПСС XXVI съезди тарихий қарорлики бажариш соҳасидаги ижодий бунёдкорлик ишлари йили бўлди.

Биз шонли воқеа — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини катта байрам қилиб нишонладик. Бу юбилей социализм улуг муваффақиятларининг, Ленинча миллий сиёсат таянчасининг, СССРдаги барча халқлар мустақам дўстлиги ва қардошлигининг ёрқин, унутилмас намоёниши бўлди.

Сўзлар мамлакати Коммунистлар партиясининг доно раҳбарлигида равиқ тоғли ва қудратли бўлди. КПСС синалган Ленинча йўлдан қатъият ва изчиллик билан олға бормоқда. Совет кишилари партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликлари, уларнинг коммунизм голярига астойдил содиқлиги Леонид Ильич Брежнев билан вилодалиш кулларида айниқса аққол намоси бўлди.

Коммунистик партия меҳнаткашларининг астойдил ишончини муқаддас билиб қадрлайди. У халққа, коммунизм ва тинчлик ишига хизмат қилишни ўз фаолиятининг олий маъноси деб билади. Партия билан халқнинг мустақам бирлиги — социалистик Ватанимизнинг бундан буёнги муваффақиятлари гаровидир.

Ўртоқлар!
Туғаб бораётган йил биз учун иураккаб йил бўлди. Аммо шунга қарамай кўпгина ишлар қилинди. Халқ хўжалиги муттасил ривожланди. Юзлаб санаот корхоналари ишга туширилди. Улкан газ қувурларининг, юқори вольтли электр динияларининг янги трассалари тортилди. СССРнинг Экин-овқат программасини амалга ошириш соҳасидаги иш қучайиб бормоқда. Совет фани янги чўққиларга кўтарилди. Совет кишиларининг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини ошириш юзасидан КПСС XXVI съезди белгилаган тадбирлар изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда. 10 миллионга яқин киши ўзининг уй-жой шароитини яхшилаб олди.

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми, СССР Олий Шовири еттичи сессияси қарорларини беш йилги таъриқларини бажариш соҳасидаги жанговар ҳаракат программаси деб қабул қилдилар. Олдимизда катта вазифалар турибди, бу вазифалар ҳар бир совет кишисининг зўр гайрат билан ишлашини, юксак ушўққилигини, онгли интизомини талаб қилади. Биз бу талабларни бажаришга қодирмиз.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, барча совет кишилари 1983 йилги янги шонли зафарлар билан нишонлайдилар, мамлакатнинг Ленин йўлидан янада муваффақият билан олға боришни таъминлайдилар, деб ишонч билдирадилар.

Ҳалол, фидоикорона меҳнати билан Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустақамлаётган, фан ва маданиятни ривожлантираётган, улуг

Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашига қўмаклашаётган барча кишиларга шон-шарафлар бўлсин!

Утган йили халқаро вазият мураккаб бўлди. Имперализмнинг агрессив кучлари кескинликни юмшатиш сиёсатини қўпориш, давлатлар ва халқларни душманлик ҳамда ҳарбий мухолифлик йўлига тойдириб юбориш учун тинимсиз уриниб келдилар. Мана шундай шароитда биз яна бир қарра қатъий қилиб айтамеки, биз тинчликка муттасил интилаверамиз. Совет Иттифоқи ўз манфаатларини, ўз иттифоқчилари ва дўстларининг манфаатларини изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилаверади. Ўзининг тинчликсеварлик принципларига ва ўз ташқи сиёсатининг мақсадларига содиқ бўлиб келаётган мамлакатимиз ядро уруши хавфига қарши, қуролланиш пойғасини жиловлаш учун қатъият билан курашмоқда. Қардош социалистик мамлакатлар, ер юзидagi барча тинчликсевар кучлар биз билан бирга, СССР ҳар бир давлат билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга доимо тайёр. Халқаро вазиятдаги ҳозирги қийинчилик ва кескинлик бартараф этилиши мумкин ва бартараф этилиши лозимлигига аминмиз.

Айни вақтда биз бениҳоя сергак бўлиб тураверамиз. Ҳарбий авантюраларнинг тарафдорлари шуни билдиб қўйишлари керакки, чегараларимизнинг ва иттифоқчиларимиз чегараларининг дахлсизлиги пухта равишда таъминланган. Совет Қуролли Кучлари халқлар тинчлиги ва хавфсизлигининг қудратли омилдир.

Биз Янги йилни кутиб олтар эканмиз, социализм мамлакатларининг меҳнаткашларига сиздиқилан қўтловлар йўлаймиз. Социалистик ҳамдўстликни мустақамлаш бундан буён ҳам партиямиз билан давлатимизнинг энг муҳим иши бўлиб қолаверади. Биз бутун дунё коммунистларини, имперализмга, реакцияга ва урушга қарши курашчиларни, мамлакатимизнинг барча яхши дўстларини қизгин табриклаймиз.

Азиз ўртоқлар! Халқимиз келажакка қомил ишонч билан назар ташлайди. Янги, 1983 йил барча совет кишиларига, ҳар бир хонадонга бахт-иқбол ва қувонч келтирсин!

Қаҳрамон ишчилар синфини, колхозчи таҳқонларни ва халқ зиёлиларини янги йил билан дубонлаймиз!

Партия ветерандарини, уруш ветерандарини ва меҳнат ветерандарини Янги йил билан кутлаймиз!

Ватаниннинг шонли қизлари, толмас меҳнатчи ва оташини ватанпарвар совет хотин-қизларига энг самимий қўтловлар йўлаймиз!

Ажойиб ёшларимизга энг яхши тилақлар билдирамеиз!

Совет кишиларининг тинч меҳнатини сергак туриб ҳимоя қилаётган СССР Қуролли Кучларининг шаваклатли жангчиларини қизгин табриклаймиз!

Янги йил тунида меҳнат вақтасида ва жанговар вахтада турган, Ота-дидран олмасла ишлаётган ҳамма кишиларга байрам табригини йўлаймиз!

Янги йилнингиз қўтулуг бўлсин, сизларга янги бахт-саодат ёр бўлсин, азиз ўртоқлар!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўз мажлисида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги байрамида иштирок этган чет мамлакатларнинг бир қанча делегациялари бошлиқлари билан совет раҳбарлари ўзаро суҳбатларни тўғрисидаги ахборотни тинглади. Мажлисида СССР Министрлар Совети Раёсатининг Уринибсари, СССР Министрлар Совети Президиумининг Агрисаноат комплекси масалалари билан шуғуллаувчи комиссиясининг раиси Э. Н.

Пуриев кўклами экишга таёйргарлиқининг бориши тўғрисида доклад қилди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси агрисаноат комплексига кирувчи министрилар ва идоралар раҳбарларининг эътиборини экин-тиничта таёйргарлик барча масалаларининг муваффақиятли ҳал этилиши учун улар шахсан масъул аканлигига жалб қилди ва шу ишдаги мажкуд камчиликларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўришига тақийф этди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси иттифоқдор республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига қўтловлар, совхозларнинг ишчи-мухтасисларни ўрсасида сиёсий ва ташкилотчилик ишларини қучайтириш, дала ишларига ўз вақтида ва тўла таёйргарлиқни таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўришини тошширди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси агрисаноат комплекси бошқа тармоқларининг ходимлари кўклами экишга шундай тайёргарлик кўрадиларки, 1983 йилнинг кўклами экин-тинич ишлари юксак сифатли қилиб, гоит қисқа муддатларда ўтказилади, деб ишонч билдилар.

АФҒОНИСТОНГА ЭНЕРГИЯ БЕРИЛА БОШЛАДИ

ТЕРМИЗ, 31 декабрь. [ЎТАГ мухбири Е. Величанская]. Бугун фойдаланиш учун топширилган 12,6 мегаваттлик электр қувватли электр подстанции Амударёнинг марғи соҳида, дўст Афғонистонга энергия беришга мўлжалланган. Подстанция 1982 йил маёнда асос солинган афғон порт ва ёш шахар номы билан Хайратон деб аталди. Подстанцияни қуриш ва унга

электр линиясини тортиш соҳасидаги ишларни «Среднеазиатэлектросетстрой» трестининг 45-механизациялаган колонна коллективи бажарди.

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРДА

Қирғизистон — Ўзбекистон:

ҚАРДОШЛИК ЭЛЕКТР КЎПРИГИ

Янги йил арафасида Қурбасой ГЭСдан Наманганга 220 киловольт қучданишли электр линияси ишга туширилди. Қардош Қирғизистонда, Норин дарёси бўйида ҳосил қилинаётган электр энергиянинг бир қисми энди Ўзбекистонга — Фарғона водийсининг санаот корхоналарига юборила бошлади.

«Среднеазиатэлектросетстрой» трестининг Фарғона, Чимкент, Самарқанд кичма механизациялаган колонналари ва Тошкент маъсус бошиқармасининг меҳнатчилари трассадаги ҳамма ишларни белгилаган муддатда аниқ бажардилар. Улар минг тоннадан кўпроқ металл конструкцияларни монтаж қилдилар, минг кубометр йилма темир-бетон ётқиздилар ва 350 тонна сим тордилар.

Ишлар мураккаб шароитда ўтказилди: тоғлардан ошиб ўттиди, 127 та тўсиқ: дарёлар, каналлар, йўллар, қўшқават йўлақлар забт этилди. Иш пайтида пахтазорларни парварши қилишга ва ҳосил теримига ҳалақит бермасликка ҳаракат қилинди. Энди ҳамма қийинчиликлар орқанда қолди: «Среднеазиатэлектросетстрой» монтажчилари зарбдор меҳнат қилдилар. Наманганда «Центральная» подстанциясини қуриш «Электросреднеазиатэлектросетстрой» трестининг ходимлари улар билан бир маромда ҳаракат қилдилар.

[ЎТАГ].



Рисом А. Ходяков.

САМИМИЙ ҚЎТЛОВЛАР

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Куба Республикасининг миллий байрами — Озодлиқ куни муносабати билан Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикасининг Давлат Қастро Руиси Совет Иттифоқи раҳбарлари ва халқ номидан қизгин қардошлик саломи ҳамда самимий қўтловлар йўлладилар.

Кубада социалистик иқтисодий тузум йил сайини мустақамлашиб, ўзининг қудратли бунёдкорлик кучини намоён этмоқда. Куба меҳнаткашлари ўзининг авангарди — Коммунистик партия раҳбарлигида янги ҳаёт қурилиши ишида тобора муҳим ва мураккаб вазифаларни ҳал этмоқдалар.

1959 йил 1 январда революциянинг шонли галабаси Куба тарихида янги бошланчлик бўлди. Америкаси ва ишон революцион жаранини ривожлантиришда муҳим босиқ бўлди. Мана шу тарихий воқеа халқларимизнинг чинакам қардошларча дўстлиги ва инсиягини, уларнинг гоит турли соҳалардаги ҳамкорлигини, реакция ва имперализм кучларига қарши биргаликдаги курашини бошлаб берди, дейлади табрикномада.

Куба ўзининг аниқ ташқи сиёсати — давлатлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик сиёсати билан, жабр-зулм ва эксплуатацияга қарши қатъий кураши билан инқилобий тараққиёт учун курашаётган халқлар ўртасида мусоаб обрўга соловор бўлди.

БАХТ ТАРОНАСИ

Бутун армонларни қолдириб вари, Белларга боғлаймиз умиддан қамар. Лекин чехраларда руҳинг зарби бор, Янги йил келмоқда, Биринчи январь!

Бу кунлар қуёш ҳам кўрсатмас рухсор, Хаттоки кўрнимас осмонда қамар. Лекин чехраларда руҳинг зарби бор, Янги йил келмоқда, Биринчи январь!

Шоир қонқмайди ўзидан ўзи, Ўтган йилдан дея бўлмади самар. Бу йил шоир, балки порлар юлдузинг Янги йил келмоқда... Биринчи январь!

Йил бўён тинмади, тер тўқди роса Голуб вахтанорини, руди мунавар. Селмай ҳам қолтиш бундоқ қараса! Янги йил келмоқда! Биринчи январь!

Менинг азиз халқим, ўзинг омон бўл! Бешингда шарафли йиллардан чамбар. Бўлай деб чамбарга яна битта гул Янги йил келмоқда! Биринчи январь!

(ТАСС).

